



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Микросуғуртанинг амал қилиш механизми таҳлили

Мирабзалов Мирсайд Мирзаахмедович

АЖ “Ўзгросуғурта” суғурта компанияси Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари

Ёзишмалар учун муаллиф электрон почтаси: mirabzalov@internet.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 19.07.2022
Қабул қилинган вақти: 01.08.2022

Таянч сўз ва иборалар: суғурта, микросуғурта, камбағаллик ва ижтимоий тенгсизлик, суғурта маҳсулотлари, сотиш каналлари, суғурта компанияси.

Аннотация

Мазкур мақолада микросуғуртанинг иқтисодий моҳияти унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни, шунингдек камбағалликни ва ижтимоий тенгсизликни бартарф этишдаги ижтимоий функцияси ёритилган. Жаҳонда микросуғуртани амалга оширишнинг иқтисодий моделлари таҳлил қилинган. Миллий суғурта тизимида микросуғуртани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, давлат ва бизнес учун унинг иқтисодий самараси таҳлил қилинган, ҳам истиқболда ривожлантириш йўналишлари келтирилган.

Analysis of microinsurance implementation mechanism

Mirabazalov Mirsaid Mirzaaxmedovich

JSC “Uzagrosugurta” insurance company, First Deputy Chairman of the Board

Corresponding author: email: mirabzalov@internet.ru

ARTICLE INFO

Received: 26.07.2022
Accepted: 01.08.2022

Key words: insurance, microinsurance, poverty and social inequality, insurance products, sales channels, insurance company.

Abstract

This article describes the economic significance of microinsurance, its role in the socio-economic life of the country, as well as its social function in overcoming poverty and social inequality. Economic models of microinsurance implementation in the world have been analyzed. The main directions of development of microinsurance in the national insurance system, its economic impact for the state and business are analyzed, as well as directions for future development.

Кириш

Микросуғурта кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган суғурта соҳаларидан биридир, сабаби у давлатнинг ижтимоий функцияларини бир қисмини бизнесга ўтказиши орқали камбағаллик ва иқтисодий тенгсизлик муаммоларини ҳал қилишнинг самарали иқтисодий воситаларидан бири саналади.

Мамлакатимизда сўнги ўн йилдаги маълум иқтисодий муваффақиятларга қарамай, камбағаллик муаммоси ҳал ҳам долзарб масала сифатида кун тартибининг асосий мавзусини ташкил этиб келмоқда. Мамлакат аҳолиси даромадларининг паст даражаси уларнинг суғурта хизматларидан фойдаланиш имкониятларини, шунингдек суғурта бозорининг ривожланишига таъсир қиллиб келмоқда.

Шу муносабат билан бугунги кунда микросуғуртанинг аҳамияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг янги элементи ва суғурта хизматининг янги тури сифатида намоён бўлмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Масленникова (2016) томонидан олиб борилган илмий изланишларда микросуғурта амалиётга қўйидагича ёндашувни кўришимиз мумкин, яъни тадқиқотчи фикрига кўра кам таъминланган қатламларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига йўналтирилган микросуғурта уларни анъанавий тижорат суғуртаси доирасида амалда эришиб бўлмайдиган суғурта ҳимояси билан таъминлаш имконини беради. Кенг маънода микросуғуртани

суғурта компаниясининг микросуғурта маҳсулотларини тақдим этиш бўйича алоҳида фаолияти деб ҳисоблаш мумкин. Тор маънода микросуғурта – бу суғурта учун қабул қилинган рисклар, суғурта суммалари ва суғурта мукофотлари, сотиш усуллари, андерайтинг ва нархни белгилаш нуқтаи назаридан аҳолининг кам таъминланган қатламга қаратилган ўзига хос суғурта маҳсулотлари гуруҳидир.

Churchill ва Matul (2012) фикрларига кўра, микросуғурта – бу рискнинг эҳтимоли ва нархига мутаносиб равишда мунтазам тўловлар эвазига кам таъминланган инсонларни муайян хавф-хатарлардан суғурталашнинг молиявий механизми деб таъкидлашади.

Семенова (2014) ўз тадқиқотларида микросуғурта бу жамият аҳолисининг айрим тоифалари учун “микро” (миллий даражадаги суғуртадан паст) даражасида суғурта механизмларини қўллаш деган хулоса қилади.

Масленникова (2013) микросуғуртага қўйидагича изоҳ беради, яъни микросуғурта – бу одатдаги суғурта схемалари билан қамраб олинмаган, кам таъминланган инсонлар учун мўлжалланган, паст мукофотлар ва паст суғурта лимитлари билан тавсифланадиган рискни ўтказиш механизми деб изоҳлайди.

Овчинникова (2011) фикрига кўра микросуғурта ижтимоий таъминот соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб, кам таъминланган аҳолига ўз молиявий, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берувчи муҳим восита бўлиб қашшоқликни камайтиришда амалий ёрдам беришини таъкидлайди.

Basanta (2014) микросуғурта борасида тадқиқотлар олиб борган ва қуйидаги натижаларни шакллантирган: микросуғурталашнинг ўзига хослиги унинг ижтимоий функцияларида ўз аксини топади, шунингдек унинг қўлланилиши жамиятга ижобий таъсир кўрсатади, яъни:

кам даромадли аҳоли учун суғурта маҳсулотларини сотиб олиш учун молиявий тўсиқларни олиб ташлаш;

кам таъминланган аҳоли сонининг кўпайишини чеклаш уларга суғурта ҳимоясини тақдим этиш;

ижтимоий хавфларнинг салбий натижаларини камайтириш.

Масленникова, Коровин, Масленников (2014) олиб борган таҳлиллари натижасида қўйидагиларни таъкидлашади, микросуғурта микромолиялашнинг бир қисми бўлиб, ўзини суғурта ҳимояси билан таъминламоқчи бўлган кам таъминланган фуқароларнинг эҳтиёжларига қаратилгандир, бунда улар учун анъанавий суғурта ҳимояси қиммат ҳисобланади. Микросуғурта суғурта хизматларининг янги тури бўлиб, бу ушбу ҳолатни ўрганишнинг услубий ва илмий асослари мукамал эмаслигини англатади. Унинг анъанавий суғуртадан нархларни белгилаш, андерайтинг ва сотиш усулларида тубдан фарқ қилувчи элементлари ажралиб туради. Шу муносабат билан бу янги бозорга кирадиган компаниялар учун катта хавф мавжуддир. Бироқ бугунги кунда халқаро амалиётда микросуғурта жадал ривожланиб келмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида суғурта соҳасидаги микросуғуртанинг назарий ва иқтисодий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ назарий ва эмперик тадқиқотларга асосланган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тузимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Шуни таъкидлаш керакки, микросуғуртанинг анъанавий суғуртадан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари ва тамойилларига эга. Булар қуйидагиларда намоён бўлади:

Юкломани минималлаштириш тамойили. Етарлича паст нархларни сақлаб қолиш учун маъмурий-иқтисодий харажатларни ва агентлик комиссия ҳақларини камайтириш чораларини кўриш керак. Шунингдек сотиш каналлари сифатида микромолия ташкилотларидан кенг фойдаланиш.

Суғурта рискларининг муҳимлилик тамойилига асосланган ҳолда долзарб иккиламчи рисклардан қочиш. Сабаби кичик корхоналар қоида тариқасида чекланган молиявий ресурслар шароитида фаолият олиб борадилар, шунингдек уларда ҳар доим ҳам захира фондлари йўқлиги сабабли риск оқибатларини камайтириш йирик корхоналарга нисбатан оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, даромадларни йўқотиш ёки ҳалокатли натижага эга бўлган капитални йўқотиш оқибатларига олиб келиши мумкин бўлган рискларни суғурта қилиш учун танлашга асосланади.

Суғурталанувчилар ва суғурта компанияларининг ўзаро ишонч тамойили. Бунда суғурта компаниялари, суғурта жамиятлари фаолиятининг маҳаллий хусусияти, компания ёки жамият томонидан қабул қилинадиган бошқарув қарорларини назорат қилиш имконияти рискларни бошқаришнинг самарали ммеханизми сифатида тарбиркорларнинг суғуртага бўлган ишончсизлигини бартараф этиш имконини беради.

Инновация тамойили. Микросуғурта миллий суғурта бозоримизда янги маҳсулот тури ҳисобланади. Суғурта маҳсулотининг инновацияси маҳсулотни ишлаб чиқиш, уни сотиш ва суғурталанувчининг мулкӣ манфаатларини суғурта ҳимоясини амалга оширишнинг турли босқичларида юзага келалди.

Микромолиявий ва суғурта ташкилотларининг технологик ва мижозлар базасининг умумийлиги микромолия бозорининг микросуғурта сегментида молиявий конвергенциясининг асосий шартидир. Ихтиёрий конвергенция доирасида молия бозорининг турли иштирокчиларининг фаолиятининг бирлашуви юз беради, микромолиявий маҳсулотларни ягона сотиш каналлари юзага келади, бу эса суғурта компаниялари, микромолия ташкилотлари ва ўзаро молия жамиятларининг харажатларини камайтиришга олиб келади. Ҳозирги кунда микросуғурта фаолиятини амалга оширишнинг бешта модели мавжуддир. (1-жадвал)

1-жадвал

Микросуғуртани амалга ошириш моделлари

(Louw T., Malima A. (2017), Corneliu, Bențe (2011), Dror D.M., Piesse D. (2014))

№	Амалга ошириш механизми	Модел таснифи
1	Ҳамкор-агентлик модели	Суғурта компанияси захираларни шакллантиради, суғурта мукофоти миқдорини ҳисоблаб чиқади, суғурта тўловларини амалга оширади ва регулятор талабларини бажарилишини таъминлайди. Микроташкилот агент сифатида фаолият юритади, ўз мижозларига микросуғурта маҳсулотлари сотади. Микросуғурта маҳсулотлари мустақил маҳсулот сифатида тақдим этилиши ёки бошқа молиявий хизматлар билан бирга сотилиши мумкин, масалан бизнесни микрокредитлаш. Ушбу моделнинг афзаллиги рискни чеклашдир. Бундан ташқари, микромолия ташкилотлари аллақачон потенциал истеъмолчилар билан алоқада бўлиб, микросуғуртага бўлган эҳтиёжни аниқлашлари мумкин бўлади. Улар, шунингдек, зарур суғурта маҳсулотларига истеъмол талабини шакллантиришга ёрдам бериши мумкин
2	Тўлиқ хизмат кўрсатиш модели	Суғурта компанияси маҳсулотнинг шакли, дизайни ва сотиш учун жавобгардир. Ушбу модел компанияга микросуғурта фаолиятини тўлиқ назорат қилиш имкониятини беради, аммо рисклик даражасини оширади
3	Хизмат кўрсатиш модели	Микросуғурта маҳсулотларини сотиш, маркетинг ва хизмат кўрсатиш учун фақат хизмат кўрсатувчи провайдер, оператор жавобгарликни олиб боради. Суғурталанувчилар суғурта мукофотларини тўғнидан-тўғри хизмат кўрсатувчига тўлайдилар ва у ўз хизматини бепул ёки қисман ҳақ тўлаш эвазига ишлайди. Ушбу моделнинг афзаллиги микросуғурта жараёни устидан тўлиқ назоратнинг сақланиш қолиши, камчилиги эса маҳсулот ва хизматларнинг чекланганлиги. Ушбу модел барча бозорларда қўлланилмаслиги мумкин
4	Хайрия модели	Бу суғурта компаниясининг деярли барча мажбуриятларини микросуғурта тизиминисубсидияловчи хайрия ташкилотига ўтказилишини назарда тутди.
5	Ўзаро/кооператив суғурта модели	Жавобгарликни жамиятга топширишни англатади. Шундай қилиб, бир шахс ҳам суғурталовчи (компания) ва суғурталанувчига айланади. Масалан юридик ва жисмоний шахслар ўзаро суғурта жамиятларига бирлашиши мумкин. Ушбу модел суғурта тарифларини мақбул даражада ушлаб туриш имконини беради. Микросуғурта бозори иштирокчиларига айланиш мумкин бўлган ўзаро суғурта компаниялари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш масалалари микросуғурта муносабатлари иштирокчиларининг алоҳида эътиборини тортади.

Хорижий амалиёт шуни кўрсатадики, ҳақиқатда микросуғурта моделлари кўпинча юқоридаги моделларнинг комбинациясига асосланади ва вақт ўтиши, иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига қараб ўзгариб туради. Микросуғурта фаолиятини амалга оширишнинг кўриб чиқилган моделлари орасида ҳамкор-агентлик ва ўзаросуғурта модели кичик бизнес субъектларининг мулкый манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг мақбул вариантлари сифатида кўрилади.

Микросуғуртани шакллантириш ва ривожлантириш механизми – бу суғурта хизматлар бозорида микросуғурта маҳсулотларининг пайдо бўлишига, улар турларининг кенгайишига ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими объектларини турли рисклардан ҳимоя қилишга ижобий таъсир кўрсатадиган элементларнинг мажмуи ҳисобланади.

Ушбу механизм қуйидаги ўзаро боғлиқ элементларни ўз ичига олади:

1) суғурта муносабатлари иштирокчиларининг микросуғуртани шакллантириш ва ривожлантириш бўйича фаолияти;

2) ривожлантириш мақсадлари – суғурта компанияларининг фойда олиши, ижтимоий йўналтирилган нотижорат ташкилотлари томонидан ўз функцияларини бажариши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш;

3) ривожлантириш мезонлари – мақсадларга эришиш даражасини акс эттирувчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлар;

4) ривожланиш муҳити – мамлакатда микросуғуртани шаклланиши ва ривожланиши жараёнига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган ташқи ва ички омиллар;

5) ривожланиш ресурслари – суғурталанувчилар ва ҳомийларнинг молиявий ресурслари (ижтимоий воситачилар, диний ташкилотлар, давлат ҳокимияти органлари ва кам таъминланган фуқаролар томонидан микросуғурта полисларини сотиб олишни молиялаштирадиган ва биргаликда молиялаштирадиган маҳаллий ҳокимият органлари), сиёсий капитал, ходимлар ва илмий салоҳият, яъни микросуғуртани шакллантириш ва ривожлантириш имкониятини таъминловчи манбалар;

6) микросуғуртани шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида суғурта бозори иштирокчилари ўртасидаги муносабатларга мақсадли таъсир кўрсатувчи ривожланиш субъектлари. Буларга ташқи ва ички бошқарув тузилмалари киради: давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилотлар ва суғурта компаниялари уюшмалари ва бошқа тузилмалар;

7) ривожланиш субъектларининг мақсадли таъсири остида бўлган ривожланиш объектлари: микросуғурта маҳсулотларини таклиф қилувчи суғурта компаниялари, суғурта воситачилари, суғурталанувчилар.

Микросуғуртани ривожлантириш механизми суғурта муносабатлари иштирокчиларининг талаб, таклиф, нарх-наво ва бозор инфратузилмасининг ривожланишига таъсир этувчи фаолиятини ўз ичига олади. Давлат ва бизнес томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни ажратиш муҳим ҳисобланади.

Хорижий тажрибага асосланиб, ҳукумат микросуғуртани қўйидаги йўналишларда самарали рағбатлантиришни амалга ошириши мумкин:

1. Микросуғурта хизматлари нархини қўйидаги йўллар билан пасайтириш:

– микросуғурта хизматлари нархини мажбурий суғурта соҳасидаги каби давлат томонидан бевосита назорат қилиш;

– суғурта мукофотининг бир қисmini қоплаш учун суғурта компанияларига ажратиладиган субсидиялар, дотациялар орқали нархларни билвосита назорат қилиш;

– ижтимоий йўналтирилган воситачиларнинг фаолияти орқали;

2. Микросуғурта хизматлари кўрсатишни қўйидаги йўллар билан қўпайтириш:

– суғурта маҳсулотларини сотишнинг янги каналларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш (масалан давлат хизматларининг ягона дарча бўлимларидан);

– суғурта компанияларини микросуғуртани ривожлантиришга мажбурлаш тизимларини амалга ошириш, квоталаш ва бошқа чораларни қўллаш (Ҳиндистон амалиёти);

– ихтисослаштирилган микросуғурта ташкилотларини ташкил этишга қўмаклашиш.

3. Микросуғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базасини шакллантириш орқали суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантиришга қўмаклашиш.

Микросуғуртани ривожлантиришга қаратилган бизнес чора-тадбирларига қўйидагилар киради:

– фаолият самарадорлигини ошириш, шу жумладан микросуғурта хизматларини кўрсатиш харажатларини камайтириш ҳисобига микросуғурта маҳсулотлари таннархини пасайтириш;

– агентлик ва брокерлик сотиш каналларини ривожлантириш, кросс-сотишлар, микромолия ташкилотлари орқали сотиш, жамоат ва диний ташкилотлар орқали сотиш ва бошқалар;

– ўзаро суғурта жамиятларини ривожлантириш;

– ихтисослаштирилган микросуғурта ташкилотларини ташкил этиш;

– микросуғуртани оммалаштириш;

– микросуғурта соҳасида кадрлар салоҳиятини шакллантириш, кадрлар малакасини ошириш.

Шундай қилиб, давлат ва бизнеснинг биргаликдаги чора-тадбирлари қўйидагилар туфайли микросуғурта хизматларига бўлган талабни оширишни ўз ичига олади:

– аҳолининг суғурта маданиятини ошириш;

– микросуғуртани ривожлантириш.

Микросуғуртани шакллантириш ва ривожлантириш мақсадлари қўйидагилардан иборат:

1) суғурта компаниялари томонидан фойда олиш;

2) ижтимоий йўналтирилган нотижорат ташкилотлари томонидан ўз вазифаларини бажариши;

3) микросуғурта маҳсулотларини сотиб олиш имкониятини бериш орқали аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида микросуғуртани ривожлантириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш;

4) суғурта компаниялар фаолиятининг янги йўналишларини ривожлантириш ва янги микросуғурта маҳсулотларини яратиш орқали суғурта бозорини ривожлантириш.

Ривожланиш мезонлари мақсадларга эришишнинг дастлабки, жорий ва келгуси мониторингини ўтказиш ҳамда микросуғурта ривожланишидаги муаммо ва омилларни тезкор аниқлаш имконини беради. бу мезонлар мақсадларга еришишнинг даражасини белгиловчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлари мажмуини ифодалайди. Буларга қўйидагилар киради:

1) тузилган микросуғурта бўйича шартномалари сони ва улар бўйича ўртача суғурта суммаси;

2) микросуғурта шартномалари бўйича мукофотлар ва тўловларнинг муайян давр учун мукофотлар ва тўловларнинг умумий ҳажмдаги улуши;

3) микросуғурта хизматларини кўрсатувчи суғурта компанияларининг сони;

микросуғурта хизматларини кўрсатувчи суғурта компанияларининг устав капиталидаги хорижий капиталнинг улуши.

Ҳозирги кунда суғурта бозори тўғрисидаги статистик маълумотлар кундан кунга очиқланиб бормоқда, бу ҳолатни бошқа соҳаларда ҳам яққол кўришимиз мумкин бўлмоқда. Микросуғурта соҳасидаги вазиятни тўғридан-тўғри акс эттирувчи маълумотлардан ташқари, микросуғуртанинг ривожланишига таъсир қилишни мумкин бўлган бошқа кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Булар, биринчи навбатда, жамиятдаги камбағаллик даражаси ва мулкӣ тенгсизлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичлардир.

Ривожланиш ресурслари – бу микросуғуртанинг шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи манбалардир. Буларга қуйидагилар киради:

суғурталанувчиларнинг молиявий ресурслари;

кам таъминланган фуқаролар томонидан микросуғурта полисларини сотиб олишни молиялаштирадиган ва биргалиқда молиялаштирадиган ҳомийларнинг молиявий маблағлари;

суғурта компанияларининг микросуғуртани ривожлантиришга йўналтирилган маблағлари;

микросуғурта маҳсулотларини сотиш жараёнида олинган суғурта мукофотлари;

кадрлар ва илмий салоҳият.

Ривожлантириш субъектлари – бу давлат ва бизнесдир. Агар давлат микросуғуртани ривожлантириш ташаббуси билан чиққан тақдирда у суғурта компанияларига ва мамлакатда микросуғурта ривожланишини рағбатлантиради. Давлат уларни бозордан ташқари воситалар билан ҳам мажбурлаши мумкин. Ҳукумат шунингдек қонун ижодкорлиги билан ҳам, бозор иштирокчиларини субсидиялар билан рағбатлантириши ва бошқаларда ҳам фаол иштирок этиши мумкин. Бу масалан, Хитой, Жанубий Африка, Ҳиндистон мисолида яққол кўринади.

Бизнес микросуғурта ривожланишининг ташаббускори бўлгандан микросуғурта қуйидан (пастдан) шаклланади ва ривожланиб боради, суғурта компаниялари эса ўз манфаатларини мамлакатнинг сиёсий доираларида лоббизим орқали ҳал қилишга ҳаракат қилади. Бу Ангола, Бангладеш, Мозамбик ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар мисолида кўринади.

Ривожланиш объектлари – бу суғурта бозорининг ривожланиш субъектлари томонидан мақсадли таъсирига эга бўлган иштирокчилардир: микросуғурта маҳсулотларини таклиф қилувчи суғурта компаниялари, суғурта воситачилари, суғурталанувчилар ва бошқалар.

Шундай қилиб, микросуғурта фаолиятини унинг барча босқичларида ташкил этиш учун миллий суғурта бозорида микросуғуртани шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарали механизмини талаб қилади.

Миллий суғурта бозорида микросуғуртани ривожлантиришдан давлат, аҳоли, ижтимоий ҳимоя тизими ва суғурта бозори учун эришиш мумкин бўлган ижобий таъсирларни ажратиб кўрсатиш

алоҳида аҳамият касб этади.

Микросуғуртани ривожлантириш давлат учун қуйидаги сабабларга кўра фойдали бўлади:

кам таъминланган уй хўжаликлари рискларини самарали бошқариш имконини берувчи ижтимоий ҳимоя тизимининг янги элементи пайдо бўлади, яъни суғурта тизими ёрдамида. Бу давлат таъсулиятининг бир қисмини камайтиради, давлат ва маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатларини камайтиради;

ижтимоий кескинлик пасаяди;

инсон тараққиёт индекси ошади;

кам таъминланган уй хўжаликлари пайдо бўлишининг салбий динамикаси пасаяди.

Суғурталанувчилар учун (айниқса кам таъминланганлар учун) микросуғурта бир қатор сабабларга кўра фойдалидир:

кам таъминланган уй хўжаликлари микросуғурта маҳсулотларини сотиб олиш орқали муҳим рисклардан самарали ҳимоя тизимига эга бўлади;

микросуғурта ёрдамида улар давлат томонидан ёки ижтимоий ҳимоя тизимининг норасмий элементларига қарам бўлмасдан, рискларни мустақил бошқариш имкониятига эга бўладилар.

Микросуғуртанинг ривожланиши қуйидаги сабабларга кўра бутун бир яхлит суғурта бозори ривожланиши учун ҳам фойдали бўлади:

миуросуғурта – бу суғурта фаолиятининг янги истиқболли йўналишидир. Суғурта компаниялари учун бу улар фаолиятининг диверсификацияси қилиниши ва қўшимча фойда олиш имконини беради;

микросуғурта инновацияларни жорий этиш майдони сифатида қаралиши мумкин. Ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари суғурта компанияларни микросуғурта маҳсулотларини нархини пасайтириш йўллари излашга мажбур қилади, бу изланишлар кейинчалик анъанавий суғурта турларида ҳам қўлланилиши мумкин бўлади;

микросуғурта бизнеснинг ижтимоий жавлбгарлик тури бўлиб, уни амалга ошириш суғурта компаниясининг имиджига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Микросуғурта ва анъанавий суғурта маҳсулотлари бир бозор доирасида амал қилади, аммо бир-бирини ўрнини босмайди. Суғурта бозори иқтисодий муносабатлар тизими сифатида унинг ривожланиш имкониятлари ва тенденциялари бевосита ёки билвосита белгилаб берувчи бир қатор юқори даражадаги тизимларга киради. Шу сабабли, миллий суғурта бозорининг ривожланиш вектори унинг “рискларни бошқариш” ва “ижтимоий-иқтисодий”, “ижтимоий ҳимоя тизимлар” макротизимнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак. Суғурта салоҳияти ва имкониятларини оширишга қаратилган миуросуғурта (шу жумладан кам таъминланганлар учун) маҳсулотларини жорий этиш орқали суғурта бозорининг ушбу макротизимларга ижобий таъсирини кучайтиради.

Миллий суғурта бозорида давлат томонидан микросуғуртани ривожлантириш учун мажбурлов чораларини қўллашни қабул қилиниши мумкин эмас.

Микросуғурта бозор усуллари билан ишлаб чиқилиши ва бу жараёндан суғурта компаниялари,

Хулоса ва таклифлар

Микросуғуртанинг ривожланиши кам таъминланган уй хўжаликлари ва кичик бизнес субъектларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда суғурта механизидан фойдаланиш имконини беради. Суғурта маҳсулотининг паст нархи микробизнес вакиллари ва янги иш бошлаган тадбиркорлар учун суғуртанинг ҳамёнбоплигини таъминлайди. Микросуғурта шартномаси бўйича суғурта рискинни амалга оширишдан кўрилган зарарнинг қопланиши кичик бизнес субъектларининг банкротлик рискинни камайтиради.

Микромолия бозори иштирокчиларининг мижоз, технология, маҳсулот ва сотиш каналларининг умумийлиги асосидаги молиявий конвергенция кичик ва ўрта бизнес рискларини суғурталашни ривожлантириш омили бўлиб, микросуғурта маҳсулотини яратиш, сотиш ва суғурта зарарларини қоплаш учун биргаликда харажатларни камайтиришга ёрдам беради.

Замонавий рақамли технологияларнинг ривожланиши микросуғурта маҳсулотларини сотишнинг янги каналларини ташкил этиш, рақобатни ривожлантиришга ҳисса қўшиши ва суғурта бозорида ахборот асимметриясини камайтириш имконини беради. Рақамли технологиялар, рақамли хизматлар инфратузилмасини такомиллаштириш, рискларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини соддалаштириш, суғурта қопламасини олиш ва зарарларни қоплаш билан боғлиқ транзакция харажатларини камайтириш орқали тадбиркорларнинг суғуртадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Масленникова Н.В. (2016) Реализация принципов микрострахования на примере деятельности обществ взаимного страхования. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ». Том 8, №3 (май – июнь)

Churchill C., Matul M. (2012) Protecting the Poor: A micro-insurance compendium. Volum II. International Labour Organization Ltd, 640 p.

Семенова Е.В. (2014) Использование бизнес-модели микрострахования жизни на отечественном рынке страхования. Электронный научный журнал: ИЗВЕСТИЯ Иркутской Государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права) № 5 1-8 стр.

Масленникова Н.В. (2013) Методика оценки перспектив развития микрострахования в России (на примере стран БРИКС) «Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение» №3 (35)

Овчинникова Е.А. (2011) Микрострахование как современный институт поддержки малого предпринимательства. Вестник РГГУ. Серия «Экономика. Управление. Право» 175-181 стр.

суғурталанувчилар ва ижтимоий ҳимоя тизимлари бирдек манфаатдор бўлишлари керак бўлади.

Basanta, K. (2014) Sahu Microinsurance in India: Outreach & Efficacy // Centre for Microfinance Research. BIRD.

Масленникова Н.В. Коровин Д.И. Масленников О.В. (2014) Оценка перспектив развития отечественного микрострахования на основе анализа и сопоставления ситуации в странах мира и России. «Экономика, финансы и управление производством» №03(21) 13-17 стр.

Louw T., Malima A. (2017) The South African Insurance Industry Survey. 67p.

Corneliu, Bențe. (2011) The opportunities and challenges of microinsurance. Ann. Univ. Oradea Econ. Sci. vol. 1. pp. 330–336.

Dror D.M., Piesse D. (2014) What is microinsurance? Chapter 2 in: A Practical Guide to Impact Assessments in Microinsurance (preliminary version). Microinsurance Network and Micro Insurance Academy, 18 p.